

ТЕРМИНЛАР ЛИНГВОПОЭТИК АКТУАЛЛАШУВИНИ МАТНИЙ ҚУРШОВДА ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Жамолиддинова Дилноза Мирхожиддинова

Қўқон давлат университети

Қўқон шаҳри, Ўзбекистон

www.mirhojiddinovna_d@gmail.com

Аннотация. Дунё тилшунослигида матн мураккаб семантик-структурага эга яхлит бутунлик сифатида турли аспектларда тадқиқ этилмоқда. “Тилшуносликда узок йиллар давомида тилнинг фикр ифодаляйдиган асосий бирлиги сифатида фақат гап тадқиқ этилди, ҳатто гап тугаган жойда тилшуносликнинг ҳам тугаши ҳақидаги ҳукмлар айтилди. Аммо ўтган асрнинг иккинчи яримларидан бошлаб тилдаги энг йирик, олий коммуникатив бирлик матн эканлиги ҳақидаги фикрлар барқарорлаша бошлади, кишилар гаплар воситасида эмас, балки матнлар воситасида бир-бирлари билан алоқа қилиши ойдинлашди. Ушбу илмий тезисда муаллиф тилшуносликдаги шу икки хил карашлар борасида илмий асосланган ҳолда шахсий фикрини ифодалашга ҳаракат қилади.

Калит сўзлар: лингвопоэтик актуаллашув, матний қуршов, терминлар, Ҳ.Шамсиддинов, Н.Маҳмудов, идиолектига, интертекстуаллик, аниқ фанлар доирасида терминлар, терминларнинг семантик-структур, коммуникатив-эстетик ва бошқа хусусиятлари.

Зотан, тамоман тугалланган фикр, мазмун, ахборот гапда эмас, балки фақат матнда ифодалана олинишини исботлаш учун ҳеч бир эҳтиёж ва зарурият йўқ” [1]. Шу нуқтаи назаридан ёндашилган ҳолда терминларни ҳам матн қуршовида тадқиқ этиш уларнинг нутқ жараёнида юзага чиқувчи ўзига хос имкониятларини аниқлашга имкон беради.

Н.Маҳмудовнинг фикрича, “... матндаги вербал ифодаланмаган мазмунларни тасаввур қилмоқ, муаллифнинг эстетик дидини илғамоқ, матндаги турли ишораларни етарли даражада фаҳмлай билмоқ учун муайян билимларга ҳам суяниш, хусусан, пресуппозициялардан ҳам хабардорлик зарур бўлади” [2,28-31]. Терминларни ҳам матн қуршовида, айниқса, бадий матн таркибида тадқиқ этиш уларнинг бадий услуб ва матн талаби билан боғлиқ ҳолда юзага чиққан ўзига семантик-услубий хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Н.Маҳмудов қайд этганидек, “... бадий услуб алоҳида ва ўзига хос услуб

хисобланса-да, унинг ўзига хослиги тилдаги бошқа вазифавий услубларнинг ҳам унда бемалол ҳаракатда бўлаверишида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам мутахассислар бадиий нутқнинг кўп услублилигини алоҳида таъкидлайдилар, бунда илмий ва бадиий услубларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бир-бирига ўтиши ҳолатларини таҳлил қиладилар” [2,5]

Ўзбек тилшунослигида бадиий матнда қўлланган терминларнинг услубий хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган айрим тадқиқот ишлари мавжуд. Терминологик лексиканинг бадиий нутқдаги ўрни масаласига дастлаб Ҳ.Шамсиддинов номзодлик диссертациясида эътибор қаратган [4]. Аммо бадиий матнда қўлланган терминларнинг лингвопоэтик ва, айниқса, лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Бадиий матнда терминлар ҳам поэтик актуаллашиш имкониятига эга бўлган лексик бирликдир. Улар бадиий матнда ёзувчининг идиолекти билан боғлиқ ҳолда ўринлашиб, лингвопоэтик мақсад ҳосиласига айланади. Лекин терминлар ўз моҳиятини гап доирасида намоён эта олмайди, уларнинг тўлиқ реаллашиши учун матний қуршов зарур. Шунинг учун ҳам терминларни матндан айро ҳолда таҳлил этиб бўлмайди.

“Матн гапдан йирик синтактик-коммуникатив бирлик бўлиб, уни яратишда матн тузувчининг мақсади, матн учун танланган воқелик, унинг кўлами, матн жанри кабилар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Матн типларининг белгиланиши ҳам ана шу омиллар асосида белгиланади.

Матнда фикр баён қилишнинг турли шакллари мавжуд бўлади: хабар бериш, тасвирлаш, муаллиф нутқи, диалог ёки персонажлар суҳбати каби. Матнлар орқали моддий ва маънавий ҳаёт турли тарзда ижтимоий, маданий, умумий ва шахсий, бадиий ёки илмий тарзда ёритилади. Шу нуқтаи назардан улар нутқнинг турли услубларига хос бўлади” [5,5].

Тилшунослар матнни бадиий ва нобадиий матн турларига бўлиб ўрганишни тавсия қилишади. Жумладан, М.Йўлдошев матнларнинг икки типини фарқлаш лозимлиги хусусида қуйидаги фикрларни илгари суради: “Асосий мақсад-моҳиятида коммуникатив вазифа етакчилик қилган матнни нобадиий матн деб, асосий мақсад-моҳиятида эстетик вазифа етакчилик қилган матнни эса бадиий матн дейиш маъқул” [6,87].

“Рус тилшуноси Н.С.Валгина нобадиий ва бадиий матннинг муҳим белгилари сифатида кўпинча қуйидагилар қайд қилинишини айтади:

- 1) инсон фаолияти ва матн ўртасида бевосита алоқанинг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги;
- 2) эстетик фазифанинг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги;
- 3) мазмуннинг эксплицитлиги/имплицитлиги (тагмаънонинг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги);
- 4) бир хил тушунишга йўналганлик/бир хил тушунишга йўналмаганлик;
- 5) реал борлиқни акс эттиришга йўналганлик / нореал борлиқни акс эттиришга йўналганлик (бадий матнлар реал борлиқ моделини эмас, балки онгли равишда атайлаб тузилган эҳтимоллий реал борлиқ моделларини намоён қилади). Олима айни пайтда бадий матн ассоциатив-образли тафаккур қонунлари асосида тузилишини, бадий матн инсон шахсининг эмоционал сезгисига, нобадий матн эса интеллектуал жиҳатига таъсир қилишини ва, ниҳоят, бу икки тип матнлар вазифасига кўра фарқланиши, яъни нобадий матн коммуникатив-эстетик вазифаларига хизмат қилишини алоҳида таъкидлайди” [1]. Биз тадқиқотимизда бадий матнда қўлланган терминларни таҳлилга тортамыз.

Бадий матн муаллифнинг идиолектига кўра тилнинг тасвир имкониятларини ўзида мужассам этган, ўқувчига эстетик таъсир этиш хусусиятига бўлган мураккаб бутунликдир. Шу жиҳатдан келиб чиққан ҳолда унда таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади. Натижада бадий тасвир воситалари экспрессивликни ифодалаш генераторига айланади. Эътироф этиш лозимки, тилнинг эстетик вазифаси бадий матнда ёрқин юзага чиқади. Бу ўринда Н.Маҳмудовнинг тилнинг эстетик вазифаси бўйича айтган қуйидаги хулосасини қайд этиш ўринлидир: “... одамлар тил воситасида тўйғу ва кечинмалари, қувонч ва қайғулар, ҳайрат ва ҳайронликлар, қалбдаги ҳузурлари каби хилма-хил сезгиларини ҳам ифодалядиларки, булар ҳамиша ҳам соф коммуникатив мақсадларни кўзда тутмайди... Эстетик вазифа тилнинг асосий коммуникатив вазифасини қулайлаштиради, унинг имкониятларини бойитади. Тил ва нутқ айни шу эстетик вазифаси билан ифодалилиқ таъсир қувватини намоён этади” [2,47-48].

Бадий матнда қўлланган терминлар ҳам мана шундай бадий-эстетик самарага эга бўлади. Фикримизни маҳоратли ёзувчи Тоҳир Малик асарларида қўлланган қуйидаги терминлар ҳам асослайди:

1. *Сиз айтгандай арқон узун ташланса, улар қўрғонларини шундай мустаҳкамлаб оладиларки, кейин ўнта бомба ташлаб ҳам тинчита олмайсиз.* (Т.Малик. “Шайтанат”)

2. Менга қолса, Суннатуллаевнинг ишини очсангиз, шартта **“хуқушунослик фанлари номзоди”** ёки **“дўктўри”** унвонини бериб юборардим. (Т.Малик. “Шайтанат”)

Кўринадикки, терминларнинг лингвопоэтик маъносини матн куршовидан ташқарида излаш мушкул. Ҳар икки мисолда ҳам терминлар бадиий тасвирни кучайтиришга, фикрни бўрттиришга хизмат қилган.

Яна бир мисол: *Бошлиқ Зоҳидни “менинг кўричагим” деб пичинг қиларди.* Ушбу гап таркибида қўлланган терминнинг маъноси шу гап доирасида тушунарли эмас, уни йирик матн куршовида таҳлил қилиш лозим. Шундагина мазкур термин ўз семантикасини намоён қилади ва айни пайтда фақат муайян мазмуннигина эмас, балки гаплар ўртасидаги боғланишни ҳам таъминлашга хизмат қилади. Демак, терминлар ҳам ўрни билан матн шаклланишининг ўзига хос унсури бўла олади.

Юқоридаги мисол таҳлили шуни кўрсатадики, терминларни фақат гап доирасида эмас, балки ундан катта бутунлик, яъни йирик матн доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Зеро, терминларни матн таркибида таҳлил қилиш уларнинг матний куршовда намоён бўлувчи семантик-синтактик ва коммуникатив-эстетик хусусиятларини аниқлашга имкон яратади.

Қуйидаги мисол таҳлиliga эътибор қаратамиз: *Зоҳид кўричак эмас, буйракдаги тош экан. Ўқтин-ўқтин қўзғаб, безовта қилиб туриши мумкин экан.* (Т.Малик. “Шайтанат”)

Ушбу мисолдаги *кўричак, буйракдаги тош* (буйрак тоши) терминлари айни гап доирасида ўзининг тўлиқ маъносини реаллаштира олган эмас. Бу терминларнинг семантик-структур, мантикий ва бадиий-эстетик моҳиятини англаш учун кенгрок матнга мурожаат қилиш лозим. Хусусан, ушбу терминлар бир неча абзац олдиндаги қуйидаги парча билан боғланган ҳолда таҳлил қилинса, уларнинг семантик хусусияти ойдинлашади:

Маҳмадона лейтенатнинг ҳар мажлисда бир игна санчиб олиши, ҳақиқат талаб этиши бошлиқнинг эсини тескари қилиб юборган, мажлис деса кўнгли ағдариладиган бўлиб қолган эди. Зоҳид кетгач, атрофидаги икки-уч ҳақиқатпарварларнинг ўз-ўзидан тинчишига ишонарди.

Кўринадикки, ушбу матн юқорида таҳлил этилган *“Зоҳид кўричак эмас, буйракдаги тош экан. Ўқтин-ўқтин қўзғаб, безовта қилиб туриши мумкин экан”* жумласи билан мантиқан алоқадор. Бу парчада *кўричак, буйракдаги тош* терминларининг лингвопоэтик моҳияти очилган.

Демак, терминлар матн таркибида иштирок этиб, гаплар орасида ҳам горизонтал, ҳам вертикал семантик-мантикий

алоқадорликни вужудга келтира олади. Юқорида келтирилган *кўричак*, *буйракдаги тош* (буйрак тоши) терминлари ўзидан олдин келган парча билан мазмунан горизонтал муносабатда, матнда бир неча абзац кейин келган парча билан эса вертикал муносабатдадир.

Айтиш жоизки, терминларга хос бундай алоқа-муносабат кўринишлари, айниқса, бадий матнда диққатга сазовордир. М.Йўлдошев бу масала хусусида қуйидаги фикрларни билдирган: “... сўз ёки бошқа бирликнинг бадий матндаги поэтик, эстетик қимматини баҳолаш учун матндан узиб олинган кичик бир парча етарли эмаслиги ойдин бўлади. Эстетик белгининг моҳияти синтагматик ёки кенгрок горизонтал муносабатларда тўла намоён бўла олмас экан, вертикал муносабатлар ифодаси учун етарли бўлган яхлит бадий матн ёки матннинг йирикрок парчаси билан иш кўриш зарурийдир” [6,32-33].

Тил бирликларининг семантик ўзгаришларини матн доирасида тадқиқ этиш зарурий эканлиги Ш. Сафаров томонидан ҳам эътироф этилган: “Гап таркибидаги бўлақлар тартибини аниқлаш учун синтактик таҳлилнинг ўзи етарли. Гап тузилишидаги ҳар қандай ўзгаришлар (инверсия, эллипсис, ва бошқа шаклий ўзгаришлар) ва маъно кўчишларининг (синтактик полисемия, омонимия кабилар) турлари, уларнинг юзага келиш сабабларини ёритиш мақсадидаги таҳлил, сўзсиз, матн синтаксиси ва прагматикаси даражасига кўтарилади” [9,8-9].

Нутқда ҳамма терминлар ҳам фақат бир маънода қўлланмайди. Чунки уларнинг қўлланилиш доираси фанлар кесимида олинганда турлича бўлади. Тўғри, аниқ фанлар доирасида терминлар фақат бир маънода келади ва фақат бир тушунчани ифодалайди. Лекин ижтимоий фанлар доирасида эса улар эмоционалликни ифодалаш воситасига айланади. Зеро, ижтимоий фанларнинг вазифаси ҳам инсоннинг рухий оламига таъсир этишдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан терминлар бадий матнда ўз маъносида эмас, балки кўчма маъноларда қўлланилиб, метафора, ўхшатиш каби бадий тасвир воситаларига айланиши ҳам мумкин. Терминлар бадий матнга маҳоратли ёзувчилар томонидан киритилиб, интертекстуалликни ҳосил қила олади ва прагматик мақсадни рўёбга чиқаришда фаол қўлланади.

Бадий матнда воқеликни акс эттиришнинг барча шакллари доимо сўз устаси эътиборида бўлади ва у доимо тўғридан-тўғри ёки бошқа йўл билан тасвирланаётган ҳодисага ўз муносабатини билдиради. Лекин адиб ўз муносабатини шунчаки содда тарзда ифода қилмайди, у бадий таъсир этиш воситалари ёрдамида

муносабатини китобхонга намоён қилади. Худди шундай вазиятда терминларга эҳтиёж сезилади. Бу эса ўз навбатида ёзувчидан катта маҳорат талаб этади. Ёзувчи ўз идиолекти билан боғлиқ ҳолда терминларни бадиий мақсадининг ҳосиласига айлантиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бадиий матнни яратишда ижодкор ўз бадиий ниятига мос ҳолда тилнинг барча имкониятларидан кенг фойдаланади. Бу жараёнда ижодкорга тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик сатҳ бирликлари ёрдамга келади. Табиийки, экспрессивлиқнинг ифодаланишида тилнинг барча сатҳ бирликлари иштирок эта олса-да, лексик сатҳ бирликлари бу борада алоҳида ўринга эга. Бунинг устига, матннинг семантик-мантиқий таянч бирликларини ўрганишда унда қўлланган лексик бириклар алоҳида қимматга молик бўлади.

Лексик сатҳ бирлиги ҳисобланган терминларнинг фақат бир маънода қўлланилиши, уларнинг бадииятни ифодалай олмаслиги терминлар тадқиқига бағишланган кўплаб илмий ишларда таъкидланади. Изланишларимиз асносида терминларнинг нутқнинг таъсирчанлиги, экспрессивлигини таъминлашда жуда катта имкониятга эга эканлигига гувоҳ бўлдик. Терминлар бадиий матнда нутқнинг тўла аңгланиши учун зарурий ахборотни бериш, тингловчи ёки китобхон учун ноаниқ бўлган ўринларга аниқлик киритиш, изоҳлаш, эслатиш, ҳис-туйғуларни ифодалаш каби мақсадларда қўлланилади. Терминлар бадиий асар қаҳрамони билан китобхон ўртасида ўзига хос “сирдошлик” иллюзиясини яратади. Қаҳрамон “айтмаса бўлмайдиган” гапини термин орқали ифода этиб, гўё китобхоннинг қулоғига пичирлаётгандай муҳит яратади. Бу эса китобхоннинг қаҳрамонга нисбатан ишончини орттиради ва унга яқинлаштиради. Бадиий матнда қўлланган баъзи терминлар китобхонни “парда ортидаги сир”дан огоҳ қилишга ҳосланса, айримлари янги ахборотга тайёрлаш вазифасини бажаради. Баъзи терминларда воқеликка нисбатан муаллиф ёки қаҳрамоннинг ижобий муносабати ифодаланган бўлса, айримларига киноя ва кесатик юкланган бўлади.

Терминларни гапдан катта лисоний бирлик бўлмиш матн қуршовида тадқиқ қилиш, шубҳасиз, катта устунликка эга. Чунки бундай ёндашув мазкур муаммонинг интеграл жиҳатларини талқин қилишга ва шу тариқа терминларнинг лингвистик мақомини аниқлашга имкон беради.

Тилшуносликда “экспрессивлик тил тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучдир” деган фикр мавжуд. Ҳақиқатан ҳам, терминлар нутқнинг таъсирчанлиги, экспрессивлигини

таъминлашда жуда катта имкониятга эга. Терминларнинг бадий матнда поэтик актуаллашиш имкониятларини Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Мирмуҳсин, Эркин Аъзам, Тоҳир Малик, Асқад Мухтор асарларида кўриш мумкин. Ушбу адиблар асарларидан айрим мисолларни ҳавола қиламиз:

1. *Аччиқ ел узоқ йиллар юкини елкасида ташиб, **қавс** каби эгилган шу қари гавданинг бир уюм пахта каби соқолларини тарайди.* (Ғ.Ғулом)

2. *Умид юмшоқ симкаравотда ўтирарди. Стол устида сўлиб қолган бир туп гўза. У **рак касали** билан ўлган одамдай қовжираб кичкина бўлиб қолган.* (Мирмуҳсин)

3. *Участкада кимнингдир бепарволиги билан диаметри икки хил қувурлар пайвандлаб кетилаверган экан. Бири кенгроқ, бири торроқ... Фотима билан бизнинг **авариямиз** ҳам шунга ўхшамайдими.* (А.Мухтор)

4. *Қанақа гап топиб келдинг. Катта аканг миянгини **мурувватини** бураб қўйдими.* (Т.Малик)

5. *Сизнинг баҳонангизда “**академия**”ни битириб, “**профессор**” бўлдим.* (Т.Малик)

Мисоллар таҳлилидан кўринадик, *қавс, рак касали, авария, мурувват, академия, профессор* терминлари бадий матнда лингвопоэтик хусусият касб этиб, эксперссивликни таъминлашга хизмат қилган. Демак, ҳеч қандай термин алоҳида олинганда, лингвопоэтик қимматга эга бўлмайди, у бу қимматни фақат матн ичида олади. Шу боис терминнинг асл маъносини матний қуршовда белгилаш лозим бўлади.

Терминлардан ўз асарларида маҳоратли ёзувчи О.Ёқубов ҳам ўринли фойдаланган. У яратган асарларда терминлар матн мазмуни ва лисоний қурилиши билан уйғунлашиб, ёзувчининг бадий-эстетик ниятини рўёбга чиқаришга хизмат қилган. Қуйидаги парчада ана шу ҳолат ифодасини кўриш мумкин:

*Бу “**фалсафа**”нинг бутун чиркинлигига ақли етгани учун ҳам Нормурод Шомуродов одатда бу одамлар билан баҳс-мунозара қилиб ўтиришни ўзига муносиб кўрмас, уларнинг “улуғ **фалсафа**”сига ичида бир кулиб қўя қоларди.* (О. Ёқубов. “Диёнат”)

Ушбу матнда қўлланган *фалсафа* термини айна матн доирасида ўзининг тўлиқ маъносини реаллаштира олган эмас. Бу терминнинг семантик-структур, бадий-эстетик моҳиятини англаш учун кенгроқ матнга мурожаат қилиш лозим. Берилган матн бир неча абзац олдиндаги қуйидаги парча билан боғланса, мазкур терминнинг семантик моҳияти, лингвопоэтик қиммати ойдинлашади:

Нормурод Шомуродов Суқротнинг бошидай улкан бошини силаганича бир дақиқа жим қолди. У Қудратхўжанинг нима демоқчи эканини гўрдан гап очишиданоқ илғаб олди. У ўлимни рўкач қилиб, кишилар дилига ғусса солишни яхши кўрадиган, бу билан ҳам ўзига таскину тасалли бериб, ҳам ғурури золиб рақибларига таҳдид қилишни хушлайдиган “файласуф”ларни кўп кўрган, кўп учратган. (О. Ёқубов. “Диёнат”)

Яна бир мисолга мурожаат қиламиз:

*Мана, орадан йиллар ўтиб, риёзатчилар умид билан қараган йигит шаҳар турмасининг сўроқхонасида ёлғиз ўтириб, рақамларга рақамлар улаяпти: **қўшув, бўлув, олув, сўнг илдиз остидаги рақамлар...** Буларни ечиш унга чўт эмас. Аммо адолат **формуласига** тиши ўтмаяпти. Не-не алломаю донишмандлар еча олмаган **масалага** унинг қурби етармикан?*

Мазкур парчада қўлланган **қўшув, бўлув, илдиз ости** ва **формула, масала** (математик термин) каби терминларнинг маъноси, матнда бир неча абзац олдинда келган қуйидаги парча билан вертикал муносабатга киришганда ойдинлашади:

Зоҳиднинг елкасига бир шайтон миниб олиб, “бу ўқишни ташлайсан, ҳуқуқ илмини оласан, бу аблахларга қарши курашасан, адолатни тиклайсан, бечораларга суянчиқ бўласан”, деб мингирлайверди. Зоҳид бу гапларга кўнди. Тўнгич ўғил дардида қадди букилган отага ҳам шу фикр маъқул келди.

Маълум бўладики, Зоҳид ҳуқуқшунос. Адиб унинг бу фаолиятида жиноятни очиш учун амалга оширадиган таҳлилларини тасвирлашда математик терминлардан фойдаланган ва бу терминларга лингвопоэтик вазифа юклаган.

Ҳар қандай матннинг муҳим белгиларидан бири унинг таркибий қисмларининг ўзаро мантикий боғланиши ва шу асосда яхлитликнинг таъминланишидир. М.Йўлдошев сўзнинг маъноси аниқ бир контекстда реаллик касб этгани каби гап ҳам ўзининг чин мазмунини бошқа гаплар билан муносабатда холис реаллаштира олишини таъкидлар экан, немис тилшуноси К.Боостнинг матндаги гаплар муносабати хусусидаги қуйидаги мулоҳазасини келтирган: “Бир гапдан бошқасига тортилган иплар шу қадар кўп ва шундай пишиқ тўрни ҳосил қиладики, гапларнинг чатишиши, уларнинг ягона тўр сифатида ўраб тўқилганлиги ҳақида гапириш мумкин, чунки ҳар бир алоҳида гап бошқалари билан чамбарчас боғланган” [6,33-34].

Дарҳақиқат, таркибида терминлар мавжуд бўлган алоҳида олинган гаплар асосий ҳолларда жумладаги фикр предмети ҳақида ҳам, терминнинг киритилишидан кўзланган бадий

мақсад мазмуни ҳақида ҳам тўлиқ тасаввурнинг шаклланишини таъминлай олмайди. Масалан:

Прохор билан Ўрозқулнинг нолаи нидолари гўё миясига аллақандай бир муруватини бураб юборгандай бўлди-ю, Отақўзининг эсига лоп этиб тоғасининг хати тушди. (О. Ёқубов. “Диёнат”)

Матнда қўлланган *муруват* терминининг моҳиятини кейинроқ келтирилган қуйидаги парча билан қиёслаб очамиз:

Пешиндан бери ҳар эслаганда ларзага солаётган бу хат юрагини тилка-пора қилди... Тоғаси-ку, хатда ҳам ўз дарди дунёсини, алам-изтироблари, армонлари, меҳри, яхши тилакларини унга, жиянига айтиб кетди. Армонсиз кетди. У-чи?

Сир эмаски, инсоннинг фаолияти жараёнидаги хатти-ҳаракатлари унинг нутқида акс этади. Бадий асарда ёзувчи прагматик мақсадни ифодалашда турли тил воситаларига эҳтиёж сезади. Худди шу жараёнда терминлар қаторида касб-хунар лексикасига оид бирликлар ҳам бадий мақсад ҳосиласи сифатида асарда қўлланилади ва ўзига юклатилган прагматик юкни аъло даражада ифодалаб беради. Масалан:

Яна шундай катта машинани ўйинчоқдай ўйнатиб ҳайдаганингизга мен ҳайрон.

– *Ишқилиб, “бўёқчи” бўлиб қолмасам бўлди, дейман унга. (П.Қодиров. “Қадрим”)*

Ушбу матнда нутқ субъектининг ички мақсади билан боғлиқ яширин хусусий мазмун кўриниши *бўёқчи* касб-хунарга оид лексик бирлиги ёрдамида ифодаланган. Бу бирлик орқали ифодаланган сўзловчи нутқига хос иллокутив мақсадни тушуниш учун асарнинг тўлиқ мундарижаси билан танишиш талаб этилади. Асар қаҳрамони Хуршидани расмга олиш учун газета редакциясидан келган мухбир йигит уни пахта териш машинаси олдида расмга тушишини айтади. Ўзи билан боғлиқ бу ҳолатни Хуршида *бўёқчининг* ҳаракатига қиёслайди. Матнда “*бўёқчи бўлиб қолмаслик*” ҳаракатининг асл моҳияти прагматик мақсад асосида яширин ифодаланган. Уни ифодаловчи махсус лексиканинг матний семантик моҳиятини нутқ эгаларидан бошқа ҳеч ким тушунмайди.

Хуллас, терминлар киритилган гап ҳам, терминлар қўлланилмаган гап ҳам энг олий коммуникатив бирлик бўлмиш матн ичидагина ўзининг семантик-структур, коммуникатив-эстетик ва бошқа хусусиятларини тўла намоён қила олади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай гап матн доирасида ўрганилгандагина унинг тўғри илмий талқинига эришиш мумкин. Зотан, ахборот бирлиги бўлмиш гап нутқда алоҳида олинган

тарзда мавжуд бўлолмайди, у бошқа гаплар билан мантиқан боғланиб, матн ҳосил қилади.

Гап структурасида рўй берган турли ўзгаришлар, шу жумладан, терминлар билан боғлиқ ўзгаришлар ҳам матн доирасида ўрганилиши зарур. Зеро, гап таркибидаги бўлакларни аниқлаш учун синтактик таҳлилнинг ўзи етарли бўлса, гапда кузатиладиган ҳар қандай ўзгаришлар, хусусан, сўз маъносининг кўчиши, уларнинг юзага келиш сабабларини ёритиш матннинг лингвопоэтик, прагматик таҳлили орқали амалга оширилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, нафақат гап, балки гап таркибида қўлланган терминларнинг ҳам семантик, услубий-функционал вазифаларини матн қуршовисиз, контекст ва нутқ вазияти билан боғламай туриб баҳолаш, лингвопоэтик қимматини белгилаш мушкул.

Адабиетлар рўйхати

1. Маҳмудов Н. Илмий матнда экспрессивлик эҳтиёжи // www.tilvaadabiyot.uz.

2. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. – №6. – Б. 28-31.

3. Маҳмудов Н. Илмий матнда термин таносиби ва тақомили // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2020. – №2. – Б.5.

4. Шамсиддинов Х. Термины в художественной речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984.

5. Мамажонов А. Бадиий матннинг стилистик хусусиятларига доир / Филологиянинг долзарб муаммолари ва контрастив тилшунослик. Респ. Илмий- амалий конф.материаллари. – Фарғона, 2018. – Б.5.

6. Ёўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.87.

7. Маҳмудов Н. Илмий матнда экспрессивлик эҳтиёжи // www.tilvaadabiyot.uz.

8. Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари. – Тошкент, 2006. – № 2(11). – Б. 47-48

9. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б. 8 – 9.